

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ХУКМ

2025 йил декабрь ойининг 24 куни жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида видеоконференцалоқа режими орқали бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Д.Амиров, судья ёрдамчиси С.Икрамовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси туман прокурори ёрдамчиси Р.Курбанов, жабрланувчининг қонуний вакили С.Тураева, судланувчи М.Пармонов ва унинг ҳимоячиси “Фанина ҳимояси” адвокатлар ҳайъати адвокати М.Жўраевнинг иштирокида, Пармонов Мирсаид Абдулло ўғлига нисбатан юритилган 1-1304-2501/65-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Пармонов Мирсаид Абдулло ўғли (Parmonov Mirsaid Abdullo o'g'li), 1992 йил 3 январда Жиззах вилоятининг Бахмал туманида туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Бахмал тумани, Музбел МФЙ, Музбел қишлоғи рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 5 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилини кўрсатувлари, прокурорнинг, ҳимоячининг музокараси ҳамда судланувчининг музокара ва охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Пармонов, 2025 йил 28 август куни соат 11:00 ларда ўзига тегишли “COBALT” русумли 25U292MA давлат рақамли автомашинасини бошқарув ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар билан Бахмал туман, Музбел МФЙ ҳудудидан ўтган 25V023 “Ўсмаг-Барлос” автомобиль йўлининг 14 км.га яқинидаги “Пайшанба” дехқон бозори чорраҳасида бошқариб кетаётган вақтида йўлнинг четки қисмида турган Бахмал тумани, Нурафшон МФЙ, Нурафшон қишлоғида яшовчи пиёда вояга етмаган Х.Юсуповни автомашинасини олд томони билан уриб юбориб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” нинг 4-бандида кўрсатилган “йўл ҳаракати иштирокчилари йўлдаги бошқа ҳаракат иштирокчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги ва хавф туғдирмасликлари керак” лиги тўғрисидаги талабларни қўпол равишда бузиб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилган.



Судга оид тиббий экспертизанинг 2025 йил 24 сентябрьдаги № 3291-сонли хулосасига кўра, вояга етмаган Х.Юсупов тан жароҳати оғирлик даражасига кўра “оғир тан жароҳати” етказилганлиги кўрсатилган.

Ўтказилган судга оид автотехника экспертизасининг 2025 йил 4 октябрдаги №427-сонли хулосасига кўра “кўздан кечириш вақтида давлат рақами 25 U 292 МА бўлган “SOBALT” русумли автомашинасининг хайдовчиси М.Пармоновнинг ҳаракатлари “Йўл ҳаракати қоидалари” нинг 4-банди талабларига зид бўлган” - деб кўрсатилган.

Судда сўралган судланувчи М.Пармонов, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, 2025 йил 28 август куни укаси М.Пармоновга тегишли “SOBALT” русумли, 25U292МА давлат белгили автомашинани бошқариб келиб, Бахмал тумани, Музбел МФЙ ҳудудида жойлашган “Пайшанба” деҳқон бозори чорраҳасига етиб келганида асосий йўлнинг ҳар иккала томонида одамлар гавжум ҳолатда бўлганлиги сабабли бошқарувидаги автомашинада секинлик билан ҳаракатланишда давом этганлигини, шу вақтда олд томонида бир ёш бола пайдо бўлганини кўрганлигини, дархол автомашинанинг тормозини босиб сигналини чалганини, шунга қарамасдан бошқарувидаги автомашинанинг ўнг томон ёлдираги билан вояга етмаган Х.Юсуповнинг ўнг оёғини босиб юборганлигини, дархол автомашинани четга олиб, Х.Юсуповга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида уни ота-онаси билан биргаликда шифохонага олиб борганлигини, шу кунга қадар жабрланувчи Х.Юсуповнинг даволаниши учун зарур ҳаражатларни имконияти даражасида қоплаб келаётганлигини, кейинги ҳаражатларини қоплаб беришини, автомашинасининг тезлиги тахминан 5-10 км/соат тезликда бўлганлигини, ҳолат бўйича ҳақиқатан ҳам айбдор эканлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган зарарларни қоплашга ҳозирда шароити йўқлигини, кейинчалик ҳам жабрланувчига етказилган зарарларни қоплашга имконияти бўлмаслигини баён қилиб, енгиллик беришни сўради.

Судда сўралган жабрланувчининг қонуний вакили С.Тураева, 2025 йил 28 август куни эрталаб уй учун керакли бўлган рўзғор махсулотларини олиб келиш мақсадида вояга етмаган фарзанди Х.Юсупов билан биргаликда Бахмал тумани, Музбел маҳалласида жойлашган “Пайшанба” деҳқон бозорига борганлигини, вояга етмаган ўғли Х.Юсупов билан биргаликда керакли нарса буюмларни харид қилганлигини, соат тахминан 11:00 лардан ўтганидан кейин, уйига қайтиб кетмоқчи бўлиб, қишлоғига қатнайдиغان автомашиналар турадиган жойга қараб Х.Юсуповнинг кўлидан ушлаб, пиёда юрганлигини, шу вақти чорраҳадан “SOBALT” русумли автомашина қайрилиб, вояга етмаган ўғли Х.Юсуповни уриб юборганлигини, натижада ўғли ерга йиқилганлигини, хайдовчи буни кўрмасдан, автомашинанинг олд ёлдираги ўғлининг ўнг оёғини босганича тўхтаб қолганлигини, ҳолатни кўриб, бақариб кўли билан автомашинани уриб, хайдовчига автомашинасини орқага хайдашини айтганлигини, хайдовчи ҳам бир муддат нима қилишини билмасдан туриб, сўнг автомашинасини орқа томонга ҳаракатлантирганлигини, ўғлига тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида хайдовчи



М.Пармонов билан уни Самарқанд шаҳридаги травматология шифохонасига олиб борганлигини, ўша куни М.Пармонов айбини бўйнига олиб барча зарарларни тўлаб беришини айтганлиги сабабли, унинг илтимосига кўра, шифокорларга ўғлини йиқилиб тушганлиги ҳақида айтганлигини, кейинчалик судланувчи М.Пармонов ўғлининг даволанишига бирор-бир ёрдам кўрсатмаганлиги сабабли ҳолат юзасидан даъво қилганликларини, судланувчи кечирим сўрамаганлиги ва зарарларини тўлаб бермаганлиги сабабли ҳозирда унга нисбатан даъвоси борлигини, кечирмаслигини, судланувчига нисбатан қонуний чора кўришни ва етказилган зарарларнинг ундирилишида амалий ёрдам беришни сўради.

Судда сўралган гувоҳ Ш.Тураев, 2025 йил 28 август куни эрталаб турмуш ўртоғи ва фарзанди Х.Юсуповлар Бахмал тумани, Музбел маҳалласида жойлашган “Пайшанба” бозорига кетганлигини, тушлика яқин соат тахминан 11:30 ларда турмуш ўртоғи С.Тураева кўнғироқ қилиб, “Пайшанба” бозори чоррахасига яқин жойда ўғли Х.Юсуповни “SOBALT” русумли автомашина уриб юборганлигини, шу “SOBALT” русумли автомашина ҳайдовчиси билан ўғлини тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳрида жойлашган травматология шифохонасига олиб бормоқчи бўлганлигини айтганини, биргаликда шифохонага етиб борганлигини, шифохонада М.Пармонов айбини бўйнига олиб, барча даволаш билан боғлиқ харажатларни тўлаб беришини айтганлиги сабабли, унинг илтимосига кўра, шифокорларга ўғлини йиқилиб тушганлиги ҳақида айтганлигини, бироқ кейинчалик ушбу ҳолатлар қонун доирасида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши ҳақида билганидан сўнг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳабар берганлигини, ҳозирги кунда фарзанди яшаш хонадонида уй шароитида ётиб даволаниб келишини, ўғлининг соғлиғини тиклашга кетган харажатларни шу кунга қадар ўзи амалга оширганлигини, йўл-транспорт ҳодисасига сабабчи бўлган ҳайдовчи М.Пармонов бирор-бир ёрдам кўрсатмаганлигини, кечирим ҳам сўрамаганлигини айтиб, ҳайдовчи М.Пармоновга нисбатан даъвоси борлигини, уни кечирмаслигини, унга нисбатан қонуний чора кўришни ва етказилган зарарларни ундиришда амалий ёрдам беришни сўради.

Суд, прокурорнинг хулосасини, химоячининг фикрини, жабрланувчининг қонуний вакилининг ҳамда судланувчининг кўрсатувларини ва жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи М.Пармоновнинг айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жинойт иши ҳужжатларида мавжуд воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма ҳамда фотосуратлар, маълумотнома, транспорт воситасини техник ҳолатини кўздан кечириш ва текшириш баённомаси, экспертиза хулосалари, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва фотосуратлар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ва жинойт ишида мавжуд бўлган суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 95-моддаси тартибида текширилган далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида” ги 7-сонли қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПК нинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” деб кўрсатилган талабидан келиб чиқиб, суд судланувчи М.Пармоновнинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топди.

Суд, юқорида келтирилган далиллар ва асосларга таяниб, М.Пармонов транспорт воситалари ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, пиёда вояга етмаган Юсупов Хабибулло Шерзод ўғлига оғирлик даражаси бўйича “оғир тан жароҳати” етказилишига сабабчи бўлганликда ифодаланган ғайриқонуний ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи М.Пармоновга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисидаги, яъни давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳукуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак деб кўрсатилган бош қомус талабига, унинг ҳаракатларида жазони оғирлашувчи ҳолатлар йўқ эканлигини эътироф этиб, айбига тўлиқ иқрорликлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони инobatга олиб, шунингдек жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни бартараф этмаганлигини, судланувчида қилмишидан пушаймонлик хисси йўқлигини ва жабрланувчининг қонуний вакилининг судланувчига нисбатан даъвоси борлигини эътиборга олиб, М.Пармоновга нисбатан унинг жиноий ҳаракати квалификация қилинган Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми санкцияси доирасида унга транспорт воситаларини бошқариш ҳукуқидан маҳрум қилиб, ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишини чеклаган ҳолда озодликни чеклаш жазоларини тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили С.Тураева томонидан тақдим қилинган ўзига нисбатан етказилган зарарларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида жабрланувчининг қонуний вакили С.Тураевага етказилган 765.717 сўм моддий зарарни судланувчи М.Пармоновдан ундиришни белгилашни лозим топди.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакилига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни судланувчи М.Пармоновдан ундириш юзасидан



асословчи ҳужжатлар билан бирга фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд эканлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Пармонов Мирсаид Абдулло ўғли (Parmonov Mirsaid Abdullo o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан 3 (уч) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишини чеклаган ҳолда 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Бахмал тумани, Музбел МФЙ, Музбел қишлоғи рақамсиз уй жазони ўташ жойи этиб белгилансин.

Судланувчи М.Пармоновнинг зиммасига жазо ижросини назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Жиззах вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик тақиқи юклатилсин.

Судланувчи М.Пармонов, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси талабига кўра, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, озодликдан чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириш мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш Зафаробод тумани ИИБ Пробация гуруҳи бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили С.Тураевага етказилган 765.717 сўм моддий зарар судланувчи М.Пармоновдан ундирилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакилига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан асословчи ҳужжатлар билан бирга фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд эканлиги тушунтирилсин.

Тарафларга ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчига ва жабрланувчига ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида шу суд орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи

Д.Амиров



Маъсул судья: Амиров Дилмурод Амирович



Хужжат имзоланган: Амиров Дилмурод Амирович, 24.02.2026

